

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

1-2018
февраль

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

Аниқ ва табиий фанлар

МАТЕМАТИКА

А.ЎРИНОВ, М.РАХИМОВА Иккинчи тартибли интегро-дифференциал тенглама учун аралаш чегаравий масала	5
А.МАДРАХИМОВ, С.КУКИЕВА Математик статистиканинг таҳлил қилиш усулининг бир масалага татбиғи	9
З.СИДДИҚОВ Математик моделлаштириш кўникмасини шакллантириш асосида талабаларни касбга йўналтириш	12

ФИЗИКА, ТЕХНИКА

Ш.ЯКУБОВА, Н.НОСИРОВ, О.ТЎЛАНОВ Газларнинг молекуляр-кинетик назариясининг асосий тенгламаси	17
З.ХУСАНОВ, Б.ОМОНОВ Умумий ўрта таълим мактабларида “Ой - Ернинг табиий йўлдоши” мавзусини ўқитишда интерфаол методлардан фойдаланиш	20

КИМЁ

М.АХМАДАЛИЕВ Дифурфурилиденацетон-ДИФА ҳосил бўлиш реакцияси	23
--	----

БИОЛОГИЯ, ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ

Ё.ҚАЮМОВА, Д.КОМИЛОВА, Б.БАХРОМОВА Қўлоғирлик сезгисининг турли ёшдаги болаларда ривожланишининг психофизиологик хусусиятлари	28
---	----

ГЕОГРАФИЯ, ТУПРОҚШУНОСЛИК

Р.ПИРНАЗАРОВ Қурбонқўлнинг пайдо бўлиши ва қўл ҳавзасининг табиий шароити	31
У.МИРЗАЕВ Исфайрам-Шоҳимардонсой конус ёйилмалари тупроқлари шўрланиш ва шўрсизланишининг умумий қонуниятлари	34

Ижтимоий-гуманитар фанлар

ИҚТИСОДИЁТ

А.ЭРГАШЕВ Реал сектор корхоналарини инновацион ривожлантиришнинг асосий йўналишлари	39
---	----

ТАРИХ

С.ШАДМАНОВА XIX асрнинг охири – XX аср бошларида Тошкент шаҳрининг санитар аҳволи ва муаммолари	43
Б.УСМОНОВ Одилшоҳ Жалойир исёни: сабаб, жараён ва оқибат	47

ФАЛСАФА, СИЁСАТ

Т.АБДУЛЛАЕВ Фанлар интеграциялашувида фалсафанинг ўрни	51
--	----

ФАНЛАР ИНТЕГРАЦИЯЛАШУВИДА ФАЛСАФАНИНГ ЎРНИ

Т.Абдуллаев

Аннотация

Мақолада ижтимоий-гуманитар фанлар интеграциялашувининг моҳияти, мазмуни, йўналишлари билан бирга фалсафанинг ўрни ва ролни объектив жараён сифатида кўрсатиб берилган.

Аннотация

В статье раскрыта сущность, содержание и тенденции интеграции общественных и гуманитарных наук, а также роль и место философии в качестве объективного процесса.

Annotation

In the article the content tendencies of integration of social human sciences are characterized, where philosophy plays a special role in this objective process.

Таянч сўз ва иборалар: жамият, яхлитлик, қонуният, интеграция, умумийлик, хусусият, ижтимоий омиллар, тафаккур.

Ключевые слова и выражения: общество, единство, закономерность, интеграция, общность, особенности, социальные факторы, мышление.

Key words and expressions: society, unity, objective regularity, integration, community, peculiarities, social factors, thought.

XXI аср глобаллашув даври ҳисобланиб, ушбу даврда жамиятда содир бўлаётган барча жараён ва ҳодисаларни яқинлашуви ҳамда бир-бирига таъсир этишининг тезлашуви кузатилмоқда. Ижтимоий-гуманитар, аниқ ва табиий фанларни мамлакатимизнинг аниқ мақсадларига қаратилганлиги унинг устивор йўналишларини белгилаб бермоқда. Уларнинг мазмунида эса умумийлик яхлит тизим сифатида шаклланишига йўл очилмоқда. Фанлараро интеграциялашув жараёни кўп қиррали объектив ва мураккаб жараён бўлганлиги учун давлатимиз раҳбари Ш.М.Мирзиёев ушбу масалага алоҳида эътибор бериб, интеграциялашув жараёнининг афзал жиҳатлари ҳақида Ўзбекистон академиклари ва Олий ўқув юртлари ректорлари билан учрашувда “Айнан улар орқали янги билимлар ўзлаштирилади ва назариялар шакллантирилади, келгуси амалий тадқиқотлар ва инновациялар учун мустаҳкам асос яратилади” деб таъкидлади [1.1].

Натижада фанларнинг илмий салоҳияти ўсиб боради, назария билан амалиёт яқинлашуви юз беради. Фалсафа фанининг методологияси асосида жамият соҳаларининг яқинлашуви, такомиллашуви ва истиқболи кузатилиб, атрофлича таҳлил қилинади ҳамда тараққиётга зарур бўлган илмий хулосалар ишлаб чиқилади. Шу билан бирга ижтимоий-гуманитар фанларнинг хусусий жиҳатлари ва умумийлиги асослаб берилади. Бу йўналиш инсоннинг фаолияти ва

тафаккури бошқа инсонлар билан ўзаро муносабалар жараёнида ўрганилади.

Интеграциялашув жараёни мазмун-моҳияти икки томонлама намоён бўлиб ҳар бир объектнинг ривожланишига кўмаклашади ва шароит яратади. Фалсафа билан социология эгизак фанлар сифатида инсон ва олам муносабатларини статик ва динамик қонунлари асосида ўрганади. Мазкур жараённинг ўзагини инсон фаолияти ташкил этади. Фалсафий жиҳатдан инсон тафаккури социологик нуқтаи назардан инсонни ижтимоий ҳаракати мавжуд бўлган жараён ва ҳодисаларни моҳияти, тузилиши, функцияларини ўрганиш мобайнида ижтимоийлашув жараёни намоён бўлади, яъни фаоллик даражасини ижтимоий омиллар белгилаб беради. Барча ижтимоий фанлар тизимида эса инсон тафаккури ҳал қилувчи роль ўйнайди, уни маълум бир объектга нисбатан таъсир этиш кучи ҳисобланади.

Инсон фаолиятининг шаклланишида таълим муассасалари алоҳида ўрин эгаллайди. “Таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, уларни юқори малакали педагог ва мутахассислар билан таъминлаш, ўқитиш ва тарбиялаш жараёнида замонавий таълим дастурлари ва услубларини жорий қилиш, болаларни ҳар томонлама ривожлантириш учун шароит яратиш бўйича чора-тадбирлар белгиланмоқда” [2.163].

Т.Абдуллаев – ФарДУ, фалсафа фанлари доктори, профессор.

Ижтимоий ҳаракат фалсафий жиҳатдан сиёсий-иқтисодий ҳаракатлар билан чамбарчас боғланган ҳолда намоён бўлади. Социология фанининг тадқиқотлари, авваломбор, жамоатчилик фикрини, мазмунини функциялари ва намоён бўлиш хусусиятларига қаратилади. Фалсафа фанининг методологияси жамоатчилик фикрининг янги компонентлар билан бойиб боришини, кўламининг кенгайиб бориши нуқтаи назардан кузатиб боришни тақозо этади. Жамоатчилик фикри ҳам ўз навбатида фалсафий масалаларга муносабатни билдиради ва уларни ривожланиш босқичларини очиб беради

“Социологлар, шунингдек ижтимоий ўзаро таъсир ва умуман инсоний жамиятларга алоқадор масалалар мажмуи билан иш олиб борадилар” [3.47].

Француз тадқиқотчиси Огюст Конт (1798-1857) жамиятни тизим сифатида таърифлаган эди. Шунингдек, унинг соҳалари эса кичик тизимларни ташкил этади. Шу нуқтаи назардан фалсафа фанида яхлитлик ва қарама-қаршилик қонуни мавжуд. Яъни олам ва жамият яхлит тизим сифатида ривожланиб боради. Дунёдаги барча мамлакатлар ҳам бир-бири билан иқтисодий, савдо-сотиқ, қурилиш, сиёсат, тиббиёт ва бошқа соҳаларда ўзаро боғлиқ, шунинг учун улар ўзаро ҳамкорлик ўрнатади. Шу билан бирга ҳар бир давлат мустақил сиёсат олиб боради, ўзини ривожланиш моделини ишлаб чиқади. Биринчи Президентимиз И.А.Каримов ташаббуси билан республикани ривожлантиришнинг ўзбек модели ишлаб чиқилган бўлса, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг ташаббуси билан навбатдаги тараққиёт босқичи - 2017-2021-йилларга мўлжалланган “Ҳаракатлар стратегияси”нинг ўзига хос йўли илмий асослаб берилди.

Психология фани билан фалсафа фани интеграциялашуви тарихий илдизларга таянади. Халқимизнинг муқаддас китоби “Авесто”да, Ибн Сино, Ал-Хоразмий, Фаробий, Ал-Фарғоний каби буюк алломаларнинг асарларида инсон, унинг ички ва ташқи олами марказий ўрин эгалаган. Фалсафий ёндошув шуни кўрсатадики, инсоннинг ички ва ташқи олами узвий боғланган бўлиб, бир-бирига таъсир этади.

Агарда инсон ҳиссиётлари хурсандчилик, самимийлик, меҳрибонлик билан боғланган бўлса, уни ҳаракатида ҳам мақсадга интилиш, дуч келадиган муаммоларга бардош бера

олиш, истиқболни аниқ кўра олиш, энг муҳими, фаолиятни самарали ташкил этиш ҳолатларига эришади. Ўз навбатида республиканинг ҳамма соҳаларида эришаётган ютуқлар фуқароларнинг туйғулари, ҳиссиётлари ва, умуман, кайфиятларига ижобий таъсир этади. Фалсафий жиҳатдан инсоннинг ички ва ташқи дунёси яхлит бўлишидан ташқари бир-бирига зид келиш ҳолати ҳам бўлиши мумкин. Масалан, инсонда лоқайдлик, боқимандалик каби салбий иллатлар мавжуд бўлишига қарамай, тартиб-қоидалар, қаттиқ интизом давлат ва жамоатчилик назорати демократик ислохотлар инсон ҳаракатининг юксалишига ва салбий ишлардан ўзини тортишига, уларга нисбатан эътироз билдиришига олиб келиши мумкин.

Бошқача қилиб айтганда, инсон фаолияти кўп қиррали ва ижобий жараён бўлганлиги учун уни қолипга солиб бўлмайди. Психология нуқтаи назаридан инсон индивидуаллик фазилатлари билан тавсифланади ва бир хил шароитларда ҳам уларнинг фаолиятларида тафовутлар бўлади. Шу нуқтаи назардан фалсафада алоҳидалик, умумийлик категориялари қўлланади. Бундай ҳолат нафақат инсон фаолиятида, балки жамиятимизда содир бўлаётган барча ҳодиса ва жараёнларга тааллуқли. Масалан, олий даргоҳнинг талабасига индивидуал жиҳатлари инobatта олиниб топшириқ берилади. Вазифани бажаришда тегишли дарслиқдан, интернет хизматларидан фойдаланишлари эса умумийлик, яъни барча мамлакатларнинг талабаларига хос бўлган жараён ҳисобланади. Бундан ташқари психология ва фалсафа учун инсон ва унинг фаолияти бош мавзунини ташкил этади.

“Бу алоқа иккала фаннинг инсон ва унинг ҳаётини моҳиятини тўла англаш ва ривожланиш тенденцияларини белгилашдаги ўрни ва аҳамиятидан келиб чиқади” [4.13]

Психологияда қўлланиладиган кузатув, тажриба, индукция, дедукция каби услублар фалсафа фанида ҳам қўлланилади.

Педагогика фани инсонни таълим-тарбия нуқтаи назаридан ўрганади ва суҳбат, маъруза, шахсий намуна, меҳнатга жалб этиш каби услубларни қўллайди. Фалсафа фанининг методологиясига таянган ҳолда таълим-тарбия жараёнини яхлитлигини таъминлаш, уларни шакл ва мазмун жиҳатидан давр талабларига мос ғоя ва тамойиллар билан бойитиб бориш вазифасини қўяди.

Глобаллашув даврида ахборот ва ахборот жараёнларининг инсон ҳаёти субстанциясига айланиши, яъни фаолиятини ва режаларини белгилаб бериши аҳолининг барча қатламларида, айниқса, маънавиятни шакллантириш ҳамда чексиз маълумотларга эга бўлишларига имконият яратади. Мазкур жараённинг мураккаблиги шундаки, у доимо юксалиб, унинг кўлами борлиқ сифатида кенгайиб боради. Бундай ҳолат аниқ вазиятдан келиб чиққан ҳолда содир бўладиган ўзгаришларга назарий ва амалий жиҳатдан тайёр бўлишни тақозо этади.

Кўришиб турибдики, таълим-тарбия жараёни республикада олиб борилаётган демократик ислохотлар туфайли доимо такомиллашишдек объектив жараённи ташкил этади. Ўз навбатида мазкур жараёнларга нисбатан мавжуд бўлган субъектив омилларнинг, айниқса, инсон тафаккурига таъсир этиши жамият ривожланишини тезлаштиради. Демак, педагогика ва фалсафа фанларининг интеграциялашуви ҳар қандай шароитда жамият қонуниятларини инобатга олиш ва таълим-тарбия тизимини бепоён имкониятларидан фойдаланиш имконини беради. Таъкидлаш жоизки, Республиканинг ҳамма соҳаларида интернет хизматларидан фойдаланиш ҳар бир фуқарода ахборот маданиятини шаклланишини, яъни ахборотларни мазмуни, мақсад-вазифаларини фалсафий жиҳатдан таҳлил қилиш ва хулосалар чиқара билишни талаб этади. Бу йўналишдаги тарбиявий ишлар маънавий-маърифий тадбирлар ёрдамида амалга ошади. Шунинг учун педагогика фанида таълим-тарбия жараёни босқичма-босқич олиб борилади, ҳар бир босқичга тегишли вазифалар ва масалалар асос қилиб олинади. Энг муҳими, қийинчиликларни бартараф этишда, асосан, инсон омилга, унинг ақлий салоҳиятига эътибор берилади. Фалсафий жиҳатдан инсоннинг ижтимоий фаолияти жамият таркибида ўрганилади. Умуман олганда, жамиятимизда содир бўладиган ўзгаришлар инсон фаолиятида ўз ифодасини топади. Шунинг учун инсон томонидан билдирилаётган фикр-мулоҳазалар, ғоялар ва истаклар жамиятга нисбатан олдинда бўлиши шарт. Шунинг учун ҳар бир фуқаронинг манфаати оила, жамоа, миллатлар ва, умуман, давлат манфаатлари билан боғлаш ҳолда намоён бўлади.

Ҳар бир масалани илдизлари бўлганидек, фалсафанинг интеграциялашуви тарих фани билан ҳам намоён бўлади.

Фалсафа тарихи фалсафий оқимлар, мактаблар, тафаккурларни тарихий даврлар нуқтаи назаридан ўрганади. Дастлабки муқаддас китоб “Авесто” уч минг йил илгари ёзилган бўлса-да, унинг қадр-қиммати ХХI асрда ҳам сақлаб келмоқда. Китобда билдирилган эзгулик, инсонийлик, комиллик, ватанпарварлик, осойишталик ғояларининг аҳамияти инсон фаолиятида ифодасини топмоқда. “Авесто” китобида фалсафа фанидаги оламни яхлитлиги ва қарама-қаршилиги қонуни асос бўлган ҳолда инсонлар ҳаётида ёвузлик ва ёруғлик, зулм ва эркинлик ўртасида кураш доимий равишда давом этиши илмий асослаб берилган.

Фалсафа тарихида Ибн Сино, Ал-Хоразмий, Ал-Фарғоний, Ат-Термизий, Фаробий, Беруний ва бошқа буюк алломаларнинг ҳаёти ва ижоди мисолида улар яшаб ўтган даврни синфий қарама-қаршилиги, феодализм муносабатлари иллатлари, давлатлараро, хонликлараро, кескин кураш натижасида халқларга нисбатан зулм ўтказиш каби салбий ҳолатлар ҳам атрафлича таҳлил қилинган.

Мустақиллик йилларида халқимизнинг бой маънавий меросини холисона ўрганиш имконияти яратилди. Бу масалада Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти И.А.Каримов қатор асарларида [6.4;7.9] халқини босиб ўтган тарихий йўлини ўрганиш бўйича концептуал таълимотни ишлаб чиқди.

Ўзбекистон Президенти Ш.М.Мирзиёев маъруза ва суҳбатларида республикамизнинг босиб ўтган тарихий йўлини ўрганишда янги илмий фактларни аниқлаш, миллий тикланиш ва юксалиш жараёнини таҳлил қилиш, Ўзбекистоннинг цивилизация даражасида ривожланишини кўрсатиб бериш вазифасини кўндаланг қилиб қўйди.

Маълумки, тарих фалсафаси аниқ даврни содир бўлаётган воқеалар ва ўзгаришларни жамият ривожланиш қонуниятлари, йўналишлари, босқичлари, ижтимоий-синфий тузулиши сабаб-оқибатлари нуқтаи назардан ўрганади. Масалан, XII-XV асрларда Марказий Осиё халқларининг ижтимоий-сиёсий фаолиятининг ўсиб бориши, илм-фаннинг устивор йўналишга айланиши, диний қарашларнинг сусайиб бориши, маданият ва санъатнинг халқлари турмуш тарзига кириб келиши, буюк саркарда, давлат арбоби Амир Темурнинг инсонпарвар сиёсати феодализм тузумининг емирилишига, янги

Ўзбек давлатчиликлигининг ўрнатилишига замин яратилди.

Умуман олганда, фалсафа билан тарихнинг интеграциялашуви тарихий давр хусусиятларини, ўша даврдаги халқларнинг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий аҳволи буюк алломалар ва тарихий шахслар ижоди, хизматларини тўлароқ очиб бериш имкониятларини яратди. Ундан ташқари, жамият тараққиётида дуч келаётган тўсиқ ва муаммоларни атрофлича таҳлил қилиб, бартараф этиш йўлларини белгилаб бериш имкониятларини ҳам юзага келтирди.

Фалсафа жамиятни ўрганиш жараёнида унинг иқтисодий негизини ҳам таҳлил қилади. Бу борада иқтисодий назария фалсафа фанини интеграциялашуви корхона ва ташкилот раҳбарлари, барча тоифадаги мутахассис ва ходимлар тафаккурини илмий асосда шакллантиришга кўмаклашади, хусусийлаштириш жараёнини афзаллик томонларини очиб беради.

Фалсафа ишлаб чиқариш билан боғлиқ мутахассис ва ходимларнинг ижодий изланишлар билан мунтазам равишда шуғулланишлари зарурлигини тақозо этмоқда. Бу йўналишда ўзига хос муаммолар мавжуд, яъни мутахассис ва ходимларнинг бир қисмида (оз миқдорни ташкил этади) меҳнат фаолиятида лоқайдлик, масъулиятсизлик, тартиб интизомга амал қилмаслик, соҳасига доир янгилликларни ўрганмаслик каби ҳолатлар амалиётда учраб турибди. Салбий ҳолатларга нисбатан корхона ва ташкилот маъмурияти тегишли чора-тадбирларни қўлламоқда. Дастлабки босқичда муаммолар атрофлича таҳлил қилинади, мазмуни, йўналишига қараб сиёсий, мафкуравий, ташкилий, психологик ёки маъмурий чора-тадбирлар қўлланилади. Бундай йўналишда иқтисодий билимни етарли деб ҳисоблаб бўлмади, у албатта фалсафий, ижтимоий, сиёсий билимлар билан тўлдириб борилади.

Ҳар қандай маҳсулот инсоннинг меҳнати ва тафаккури билан яратилади. Маҳсулотни тақсим қилиш ва истеъмолчига етказиш вазифасини давлат ўз зиммасига олади.

Кўриниб турибдики, мазкур жараён фалсафий ва сиёсий билимни ҳам тақозо этади. Бундан ташқари эркин бозор муносабатларининг ривожланиши босқичма-босқич амалга ошади. Босқичларнинг узвий боғланиши ва мантиқан давомийлигида умумий ҳамда хусусий жиҳатлар мавжуд. Демак, фалсафа билан иқтисодий назарияни интеграциялашуви объектив жараён сифатида жамиятнинг ривожланиш қонуниятлари, йўналишлари ва истиқболини очиб беради, шу билан бирга инсон омилига таъсир этиш даражасини изоҳлаб беради.

Умуман олганда, ижтимоий-гуманитар фанларни интеграциялашувида фалсафа фанининг аҳамияти беқиёсдир, чунки республика ҳаётида ва халқаро муносабатларда содир бўлаётган ўзгаришлар ўзагини инсоннинг серқирра фаолияти, айниқса, унинг онги ва тафаккури ташкил этади. Фалсафа фани эса биринчи галда инсон фаолиятини ва унинг оламга бўлган муносабатини ўрганади. Ижтимоий – гуманитар фанлар фалсафий қонун ва категориялар ҳамда тамойилларидан самарали фойдаланади, ўрганилаётган объектни ўзгариши ва ривожланишида бошқа жараёнлар билан боғланишини кузатиб боради. Фандаги барча ютуқлар ва муаммолар инсоннинг ақл ва заковати, қобилияти, ақлий салоҳияти, дунёқараши ва тафаккури билан узвий боғлиқ. Фалсафа фани ҳам интеграция натижасида янги назарий ҳолатлар билан бойиб боради, энг муҳими жамият тараққиётига таъсир этиши юксалиб боради, юзага келаётган муаммоларни бартараф этиш жараёни тезлашди. Фанлараро интеграция жараёни ўз навбатида инсонни ҳар томонлама улўғлашга мустаҳкам замин яратади.

Адабиётлар:

1. Мирзиёев Ш.М. Илм-фан ютуқлари - тараққиётнинг муҳим омили. – “Халқ сўзи” газетаси. -2016 йил 31 декабрь. -№259 (6694).
2. Мирзиёев Ш. Буюк келажакимизни мард ва олийжаноб халқимиз билан бирга қураимиз. – Т.: Ўзбекистон, 2017.
3. Гидденс Э. Социология, – Т.: Шарқ, 2002.
4. Каримова В. Психология. – Т.: Абдулла Қодирий номидаги “Халқ мероси” нашриёти, 2002.
5. Зуннунов А. Педагогика назарияси. – Т.: “Алоқачи”, 2006
6. Каримов И.А. Ўзбекистон ўз истиқлол ва тараққиёт йўлида. – Т.: “Ўзбекистон”, 1992.
7. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз – келажак йўқ. – Т.: Ўзбекистон, 1998.
8. Каримов И.А. Юксак маънавият - енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008.